

VOLUME II | ISSUE 2 | FEBRUARY

Journal of Culture and Art

КУЛТУРА И ИСКУССТВО
МАДАНИЈАТ ВА САНЃАТ

| 2024

ISSN: 2181-4562



Available online at www.imfaktor.com

 **IMFAKTOR**
Science driven pages

ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 2-СОҢ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-II, НОМЕР-2

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-II, ISSUE-2

ТОШКЕНТ – 2024

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

№ 2 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4562-2024-2>

БОШ МУҲАРРИР:

Халикулова Гўзал
Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
профессори в.б., Санъатшунослик фанлари номзоди

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мелиқўзиев Иқбол
Мамасодиқович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
кафедра мудири, профессор в.б., Санъатшунослик
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:

Касимов Нозим
Козимович

Ходжаметова Гулчира
Илишевна

Маданият ва туризм вазирлиги “Таълим ва илм-фанни
ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи, профессор
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус
филиали “Санъатшунослик” факультети декани, Тарих
фанлари номзоди, профессор

Абдувоҳидов
Фахриддин
Мелигалиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
кафедра мудири, доцент, Санъатшунослик фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Кадиров Рамз
Турабович

Умаров Мамур
Боташикович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна
нутқи” кафедраси доценти

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси
профессори в.б., фалсафа фанлари номзоди

Худоев Ғани
Муҳаммадович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Чолғу ижрочилиги ва мусиқа назарияси” кафедраси
профессори в.б., Санъатшунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Бердиханова Шахида
Нурлыбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати
институти “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси”
кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Дўсанов Раҳимжон
Раимқулович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “катта
ўқитувчи”, мустақил тадқиқотчи

Суннатиллаев Асатилло
Суннатович

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати
институти “Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-
педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, мустақил
изланувчи (PhD)

Алланбаев Рудакий
Оринбаевич

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, “Шуҳрат”
медали соҳиби, профессор в.в.б

Зиявутдинова Зулфия
Усеиновна

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

Раимова Дилфузахон
Махаммадсолиевна

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

Ботирова Хилола
Турсунбаевна

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

*“Маданият ва санъат” журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган. Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.7 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.***

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти , 2024 йил.

© Мўаллифлар жамоаси, 2023 йил.

МАДАНИЯТ ВА САҢЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

НУРТАЕВ Уринбай Нишанбекович

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
п.ф.н доцент*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10614923>

БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САҢЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ САҢЪАТШУНОСЛИК АСОСИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақсуд илмий мақолада тасвирий саҗат муҳандислик графикаси таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар ва фаолият юритиётган ўқитувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда бўлажак тасвирий саҗат ўқитувчиларини Ўзбекистон тасвирий саҗати орқали касбий компетенциясини технологияларининг ўзига хусусиятлари мазмуни ва моҳияти ёритилган.

Шунингдек, бўлажак тасвирий саҗат ўқитувчиларини саҗатшунослик асосида касбий компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, саҗатшуносликка оид компетентликни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик технологияларини такомиллаштириш, бадиий-эстетик тажрибанинг уйғунлигини таъминлаш, образли фикрлашнинг асоси сифатида бадиий ижодкорликни ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш бўйича алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: касбий компетентлик, бадиий таълим, профессионал, инновацион педагогик технологиялари, композиция, ранг, жанр, гармония, натюрморт, тўйинганлик, бўёқ, образ, элемент, монументалист, сюжет, рефлекс, ёруғлик, ритм, ёруғ соя, рассом, форма, чизик, картина, монументал, вертикал ва горизонтал, фон, рельеф, контраст, графика.

РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА НА ОСНОВЕ ИСКУССТВОВЕДЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

Данная научная статья предназначена для студентов, обучающихся по направлению «Инженерная графика» и работающих преподавателей, и в ней описаны содержание и сущность технологий профессиональной компетентности будущих учителей изобразительного искусства через изобразительное искусство Узбекистана.

Также особое внимание акцентируется на совершенствовании педагогических механизмов развития профессиональной компетентности будущих учителей изобразительного искусства на основе искусствоведения, совершенствовании социально-педагогических технологий формирования компетентности, связанной с искусствоведением, обеспечении гармонии художественного и эстетического опыта, совершенствование педагогических механизмов развития художественного творчества как основы образного мышления.

Ключевые слова: Профессиональная компетентность, художественное образование, профессионал, инновационные педагогические технологии, композиция, цвет, жанр, гармония, натюрморт, насыщенность, краска, образ, стихия, монументалист, сюжет, рефлекс, свет, ритм, световая тень, художник, форма, линия, картина, монументальность, вертикаль и горизонталь, фон, рельеф, контраст, графика.

DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF FUTURE FINE ARTS TEACHERS BASED ON ART CRITICISM.

ANNOTATION

This scientific article is intended for students studying in the field of “Engineering Graphics” and working teachers, and it describes the content and essence of technologies of professional competence of future teachers of fine arts through the fine arts of Uzbekistan.

Also, special attention is focused on improving the pedagogical mechanisms for developing the professional competence of future fine arts teachers on the basis of art history, improving social and pedagogical technologies for developing competence related to art history, and ensuring the harmony of artistic and aesthetic experience. , improving pedagogical mechanisms for the development of artistic creativity as the basis of imaginative thinking.

Keywords: professional competence, art education, professional, innovative pedagogical technologies, composition, color, genre, harmony, still life, saturation, paint, image, element, monumentalist, plot, reflex, light, rhythm, light shadow, artist, form, line, picture, monumentality, vertical and horizontal, background, relief, contrast, graphics.

Жаҳон таълим муассасаларида интеграциялашув жараёнлари юқори технологиялар, инновацияларни кенг миқёсда амалиётга қўллаш моделлари тадбиқ этилмоқда. Айниқса, бадиий таълим соҳасини ривожлантириш борасида креатив фикрлайдиган мутахассисларни тайёрлаш, бадиий таълим тизимида мос келадиган педагогик технологияларни жорий этиш, тасвирий ва амалий санъат соҳасида ўқитилладиган ўқув фанлари дидактик вазифаларининг устувор йўналишларида санъатшунослик асосида мулоҳаза юритиш компетенцияларини ривожлантириш, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини санъатшунослик асосида касбий компетенциясини ривожлантиришнинг ўзига хусусиятлари мазмуни ва моҳияти, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашда ўқув жараёни касбий билим ва малакаларни эгаллаш билан бирга, санъатшунослик асосида амалий ишлар тизимли бажарилмоқда.

Жумладан, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини санъатшунослик асосида касбий компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, санъатшуносликка оид компетентликни сҳакллантиришнинг ижтимоий-педагогик технологияларини такомиллаштириш, бадиий-эстетик тажрибанинг уйғунлигини таъминлаш, образли фикрлашнинг асоси сифатида бадиий ижодкорликни ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда жамиятимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби, тасвирий санъатни, хусусан, унинг санъатшунослик қонуниятларини ўқитиш мазмуни ва методикасини такомиллаштириш, хорижий тажрибаларни мақсадли ўрганишнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”,- [1] деган фахрий фикр билдирган.

Бу бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини санъатшунослик асосида касбий компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини кенгайтиришда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни санъатшунослик соҳасига тайёрлаш тизимида Ўзбекистон тасвирий санъатининг концептуал йўналишларини белгилаб беради [2].

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни санъатшунослик соҳасига тайёрлаш тизимида Ўзбекистоннинг тасвирий ва халқ амалий-безак санъати соҳасидаги адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, Тасвирий санъат ва халқ амалий-безак санъатини тадқиқ этишга, Тилаб Махмудов, Акбар Хақимов, Нигора Аҳмедова, Камола Болтабаева, Дилафрўз Қодирова, Абдувалли Эгамбердиев, Маҳмуд Усмонов, Пўлат Зоҳидов, Анвар Илҳомов, Саидқосим Усмонов, Ўткир Тохиров, Ўткир Обидов, Қобул Қосимов, Саидахбор Булатов, Уринбой Нуртаев каби бир қатор олимлар ва санъатшунослар ўзларининг улкан ҳиссаларини кўшганлар.

Юқорида зикр этилган муаллифларнинг санъатшунослик соҳасида олиб борган тадқиқот натижалари, илмий мақолалар, буклетлар, албомлар, рисоалар, монография ва бадий тўпламлар кўринишида баён этилган. Мазкур ишларда тасвирий санъат ва халқ амалий-безак санъати, санъатшунослик аспектида талқин этилган. Аммо, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни санъатшунослик асосида тайёрлаш тизимида тасвирий санъат ва халқ амалӣ санъатидан фойдаланиш масаласи тўлиқ ўрганилмаган.

Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши талабаларини санъатшунослик асосида касбий компетенциясини ривожлантиришда, Ўзбекистон тасвирий санъати ва халқ амалий-безак санъатини ўқитиш мазмунини қайта белгилашни талаб этади. Санъатшунослик соҳасига тайёргарлик ишидаги муваффақият, кўп жihatдан мутахассислик фани (Тасвирий санъат, халқ амалий-безак санъати) дастуридаги маъруза ва амалий машғулотларда қўйилган таълим мақсадлари, вазифалари ҳамда технологиясига боғлиқдир.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини санъатшунослик асосида касбий компетенциясини ривожлантиришда, тасвирий санъат намуналари мутахассислик фанлари бўйича ташкил этилган маъруза ва амалий машғулотлар, махсус курслар, илмий-тадқиқот ишлари, мустақил таълим ишлари, бўлажак ўқитувчиларнинг курс ва битирув малакавий ишлари негизда ўрганилади [3].

Ушбу тизимда тасвирий санъатнинг учта йўналишда кўриб чиқилади:

- биринчи йўналиш - қадимги ёдгорликлар ва тарихий меъморчилик обидалари;
- иккинчи йўналиш - тасвирий санъат тарихи ва тасвирий санъат турлари;
- учинчи йўналиш - тасвирий санъатининг асосий мазмуни ва моҳияти;

Тасвирий санъатининг қадимги ёдгорликлари, қоятошдаги чизмалар, тош ва меъморчилик обидалари асосида ўрганилади. Қадимги амалий-безак санъати темир, сопол, ёғочдан ишланган буюмларни бадий таҳлил қилиш асосида юзага чиқади. Бу қадимги қозон, чуқур лаган, чироқ, қабр тоши, шунингдек амалий-безак санъати, ҳайвон тасвири акс этган нақшлар. Инқилобдан олдинги даврда эрининг биринчи тасвири рассом Василий Верещагин ижодида мансубдир.

Тасвирий санъат турлари, ўзбек графикаси, рассомлик санъати, ҳайкалтарошлик ва амалий-безак санъати материаллари асосида кўриб чиқилади. Ўзбек графикасини ўрганиш жараёнида дастлабки график-рассомлар ижоди эътиборга олинади: Акамал Иқромов, Владимир Кайдалов, Канстантин Черпаков, Димитрий Кедрин, Григорий Шевяков, Анатолий Ошейко. Шунингдек, графиканинг станокли шакллари тақдим этган Қутлуғ Башаров, Георгий Чиганов, Марат Кагаров, Вил Паршинлар ҳам жуда самарали фаолият олиб боришган. Тасвирий санъат усталарининг кўплаб асарлари, талабаларнинг санъатшунослик соҳасига тайёрлашнинг асосий мазмунини ташкил этади. Ўзбекистон халқ рассомлари Огонес Татевосян, Николай Карахан, Александр Волковлар ижоди илк рассомлик мактабининг шонли саҳифасини очиб беради.

Рассомлик санъатининг катта авлод вакиллари – Роберт Рождественский, Александр Николаев (Усто-Мўмин), Николай Розанов, Иван Казаков, Михаил Новиков, Михаил Курзин номлари республикамизда алоҳида ҳурмат ва эътироф билан тилга олинади.

Тасвирий санъат соҳасида касб маҳоратининг ортиб боришига ўрта авлод вакиллари ижодий фаолияти ҳам катта тurtки берди, ушбу жараён таниқли мўйқалам соҳиблари Ўрал Тансиқбоев, Павел Бенков, Зинаида Ковалевская, Нина Кашина, Виктор Уфимцев, Вениамин Кедринлар ижодида яққол кўзга ташланади. Улар ўзининг индивидуал иш услуби ва йўналишига эга бўлган ижодкорлар, бироқ тасвирий санъат мактабида шаклланган анъаналарнинг давомчиларидир. Педагогика олий таълим муассасалари бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг санъатшунослик соҳасига тайёргарлик кўришида қуйидаги маҳоратли рассомларнинг ижодини ўрганиш алоҳида ўрин тутди: Абдулҳак Абдуллаев, Лутфулла Абдуллаев, Шамсирой Ҳасанова, Чингиз Аҳмаров, Малик Набиев, Рашид Тимуров, Ғофур Абдурахманов, Янис Салпинкиди в.б.

Дастгоҳли ҳайкалтарошлик санъатининг ривожланиш босқичлари, Эйнулла Алиев, Дамир Рўзобоев, Илхом Жаббаров, Аҳмат Шоймуродов, Александр Тоиров, Яков Шапиро, Азамат Хатамов, Жалолиддин Миртожиев Николай Иванов, каби Ўзбекистонлик бир қатор халқ рассомларининг номлари билан боғлиқ. Республикамизда йилдан-йилга ҳайкалтарошлари сони ошиб бормоқда, уларнинг асарлари мрамор, ёғоч, маёлика (керамикага ўхшаш, қуйдирилган қумни силлиқлаш орқали тайёрланадиган материал)дан фойдаланган ҳолда тайёрланган. Ушбу ижодкорлар томонидан замондошлар, меҳнат қаҳрамонлари, тарихий шахсларнинг кўплаб ҳайкаллари яратилган [4].

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини санъатшунослик асосида касбий компетенциясини ривожлантиришда маҳобатли санъат асарларини ўрганиш ҳам улкан қизиқиш уйғотади. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини санъатшунослик асосида касбий компетенциясини ривожлантириш амалиётида, маҳобатли ҳайкалтарошлик усталари Алексей Грищенко, Иван Крымской, Абдумумин Бойматов, Эйнулла Алиев, Алим Раҳматуллаев, Леонид Рябцев, Илхом Жаббаров, Жалолиддин Миртожиев, Жасванд Анназаров кабиларнинг ижодий фаолияти билан яқиндан танишиш орқали кўриб чиқилади. Станокли ва маҳобатли ҳайкалтарошлик асарлари бўйича ишланган расмни лавҳалар, тасвирий санъат тарихи, ҳайкалтарошлик соҳасини ўрганиш машғулотида жуда қўл келади.

Мамалакатимиз амалий-безак санъатининг маҳоратли усталари ижодий фаолиятини маъруза ва амалий машғулотларда ўрганиш, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида халқ амалий санъатининг турли-туман қирраларига нисбатан ўзига хос қизиқиш уйғотади.

Айниқса нақш-безакли санъатининг илк устаси Анвар Илҳомовнинг ижодини ўрганиш алоҳида ўринни эгаллайди. Унинг ижоди такрорланмас ва ноёб гўзалликка эга. Анвар Илҳомов томонидан бизни ўраб турган ташқи олам, нақшинкор кўринишда, ўзига хос мафтункор санъат орқали гавдаланади. Унинг “Гўзал”, “8 қиррали нақшинкор стол”, “Шифтдаги нақшли чизмалр” асарлари ўзига хос кўриниши ва бетакрорлиги билан ажралиб туради. Касбий маҳорат даражасидаги амалий-безак санъатини кенг маънода ёритиш учун, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини санъатшунослик асосида касбий компетенциясини ривожлантиришда заргар усталар Тоир Тўхтаўжаев, Жалил Ҳақимов, Олимжон Қосимжонов, Абдулла Болтаев, Саидмахмуд Норқўзиев, Тошпўлат Аюпўжаев, Шерхўжа Хасанов, ёғоч ва терини қайта ишлаш усталари Сулаймон Хўжаев, Махмуджон Қосимов, кулолчилик соҳаси усталари, Раимберди Матжонов, Сухаммад Сиддиқ, Усман Умаров, Тураб Миралиев, Рустам Эгамбердиев, Мухиддин Рахимовларнинг ижоди билан таништириш зарур бўлади.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини санъатшунослик асосида касбий компетенциясини ривожлантиришда етук рассомларининг асарларини жанрлар бўйича ўрганиш алоҳида қизиқиш ҳосил қилади. Тарихий жанрда турли авлод вакиллари бўлган кўплаб рассомлар меҳнат қилишган [5].

Уларга мисол қилиб, Лутфулла Абдуллаев, Владимир Бурмакин, Валентин Жмакин, Рози Чориев, Нематжон Қўзибоевлар ижодини кўрсатиш мумкин. Юли Еелизаров, Александр Мельниковлар ижодига назар солсак, уларнинг асарларида кўпроқ маиший ҳаёт жанри акс этганига гувоҳ бўламиз. Айрим тасвирий санъат усталари, масалан, графикачи рассомлар Георгий Чиганов, Қутлуғ Башаров, Марат Кагаров, рангтасвир усталари Алексей Лунев, Зокир Иноғомовлар ўзларининг ижодий ишларини уруш манзараларини тасвирлашга бағишлаганлар. Ўзбекистонлик рассомлардан Зинаида Ковалевская, Нина Кашина, Рахим Аҳмедов. Михаил Курзин, Алексей Лунев, Виктор Уфимцев, Оганес Татевосянлар ижодий фаолиятида натюрморт жанри ҳам кузатилади. Мазкур асарлар репродукцияси дастлабки курсларда отиладиган қаламтасвир, рангтасвир ва композиция бўйича амалий машғулотларда муваффақиятли қўллаб келинмоқда.

Портрет жанрига мурожаат этган рассомлар ҳам кўпчиликни ташкил этади, ушбу ижодкорлар томонидан меҳнат, фан, маданият, санъат соҳасининг турли-туман вакиллари портретлари яратилган. Мазкур жанрда Уста-Мўмин (Александр Николаев), Абдулҳак Абдуллаев, Лутфулло Абдуллаев, Нина Кашина, Чингиз Аҳмаров, Малик Набиев, Алишер Мирзаев, Оганес Татевосян, Шамсирой Ҳасанова, Садулло Абдуллаев, Рахим Аҳмедов, Зокир Иноғомов каби мўйқалам усталари сермахсул ижод қилишган. Ушбу рассомлар яратган асарлар мутахассислик фанларнинг портрет ишлаш машғулотларида намоёниш этилади [6].

Ўзбекистон рассомлари ижодида пейзаж (манзара) жанри алоҳида мақомга эга. Николай Карахан, Бахтиёр Бобоев, Ўрал Тансиқбаев, Рашид Тимуровларнинг ижодий ишлари айниқса Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини санъатшунослик асосида касбий компетенциясини ривожлантиришда педагогик амалиёт жараёнида ижобий самара беради.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини санъатшунослик асосида касбий компетенциясини ривожлантиришда тасвирий санъат мактабининг асосий мавзуларига доир тасаввурларни кенгайтириш ва тушунчаларни шакллантириш муҳим саналади.

Кўпгина рассомлар, жумладан Нематжон Қўзибоев, Владимир Бурмакин, Рози Чориев, Марина Пашковская ижодида республикамизнинг тикланиш ва ривожланиш даврлари мавзуси катта ўрин тутди. Тасвирий санъатда ватанимиз тарихидаги меҳнат қаҳрамонлари, уруш фахрийлари сиймоси, халқимизнинг фидокорона меҳнати акс этган тасвирлар ўзига хос қимматга эга саналади.

Ушбу мавзу Лутфулло Абдуллаев, Рахим Аҳмедов, Виктор Уфимцев, Нина Кашина каби рассомлар ижодий фаолиятида яққол ифодаланади. Ўзининг ижодий ишларини аёлларга бағишлаган рассомлар Илья Зоркин, Владимир Бурмакин, Лайло Салимжонова, Шамсирой Ҳасанова, шунингдек болалар сиймосини тасвирлаган Михаил Аринин ва Самиг Абдуллаевларнинг ижод намуналари ҳам бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида катта таасурот қолдиради. Тасвирий санъат мактабида меҳнат, тинчлик мавзуларида ўз асарларини тақдим этган Ў.Тансиқбоев, М.Саидов, Л.Абдуллаев, Н.Кашина, Р.Аҳмедов, В.Правдюк, В.Бурмакинлар ижодий фаолияти таҳсинга сазовордир.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини санъатшунослик асосида касбий компетенциясини ривожлантиришда, санъатшунос олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш алоҳида қизиқиш уйғотади. Тасвирий санъат соҳасидаги бўлажак ўқитувчилар амалий-безак санъати, графика, рассомчилик, архитектура тарихига доир илмий-тадқиқот ишларидан ҳабардор бўлишлари зарур. Мазкур ёналишларда санъатшунослар олиб бораётган илмий ишлар ҳақидаги маълумотлар ўқув режадаги махсус фанларни ўқитиш жараёнида ҳам етказиб берилади. Олинган билимлар бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг мустақил бажарган ишлари, аудиториядан ташқаридаги ўқув-тарбия жараёнида янада мустаҳкамлаб борилади.

Тасвирий санъат соҳаси бўйича амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари қўшимча тарзда, педагогика олий таълим муассасалари тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши ўқув режасида кўрсатилган маъруза, семинар ва амалий машғулотлар, педагогик амалиёт, курс ва диплом ишларига киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек халқининг бой тарихга ега тасвирий санъатини турли-туман ёндашувлар асосида, ҳар томонлама тадқиқ этиш катта масъулиятни талаб этади. Тасвирий санъатини тадқиқ этишнинг асосий йўналишлари:

- таниқли тасвирий санъат усталарининг ҳаёти ва ижоди;
- тарих, архитектура ва археологиянинг ўзаро узвий алоқадорлиги;
- амалий-безак санъатини ривожланиш тарихи;
- графика, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик санъатинининг моҳияти ва ўзига хос томонлари;
- тасвирий санъатининг ривожланишидаги замонавий тенденциялар;
- республикада санъатшунослик соҳасидаги билимларнинг ривожланиши.

Республикада худудида мавжуд бўлган тошга тарашлаб ишланган тасвирлар, ҳайкалчалар, қадимги кулолчилик буюмлари, ёғоч ва сопол идишлар, мисдан тайёрланган қандакорлик ашёлари қадимги ёдгорликлари сирасига киради. Қадимги тарихий ёзувлар, қўлёзмалар, чизмалар ва амалий-безак санъати буюмлари тарихини ўрганишга Раҳим Хасанов, Қобул Қосимов, Сайдахбор Булатов, Асқарали Сулайманов, Ботир Бойметов, Сунатулла Абдирасилов, Нозим Толипов, Уринбай Нуртаев, Комилжон Гулямов каби тадқиқотчилар улкан ҳисса қўшишган. Халқ амалий-безак санъатини ўрганишдаги айрим йўналишлар архитектура ёдгорликлари ва археологик топилмаларга узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади. Археологик тадқиқотлар натижасида топилган қадимги ашёлар, республика амалий-безак санъати бадиий фондини бойитади. Тасвирий санъат соҳасининг бўлажак ўқитувчиларига археологлар Сергей Толстов, Алексей Окладников, Михайл Массон, Борис Кастальский олиб борган ишлар асосий кўмакчи вазифасини ўтаб беради [7].

Қадимги меъморий обидалари ўзининг нақшинкорлиги, кулолчилик, ёғоч ўймакорлик санъатига оид намуналардан фойдаланилганлиги, шаклларнинг ўзаро уйғунлиги билан халқ амалий-безак санъатига боғланади. Борис Денике, Наталья Гражданкина, Вероника Воронина, Лазарь Ремпел, Галина Пугаченкова, Рафаил Тахташ, Акбар Ҳакимов, Нигора Аҳмедова, Элмира Гуль, Комола Болтабаева, Дилафруз Қодирова, Бинафша Нодир каби олимлар миллий архитектура (меъморчилик)нинг, халқ амалий-безак санъатига алоқадорлигини очиб беришга салмоқли улуш қўшдилар.

Ўзбек миллий амалий-безак санъатига доир илмий ишларни ўрганиш – Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини санъатшунослик асосида касбий компетенциясини ривожлантириш ўзига хос йўналишдир. Ушбу йўналишни чуқур таҳлил қилиш мақсадида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларига Ортик Файзуллаев, Қодиржон Ҳайдаров, Хайдар Нажмиддинов, Хайдаржон Умаров, Абдуразоқ Болтаев, Махмуджон Қосимовлар амалга оширган илмий ишларни тавсия этиш мумкин.

Амалий-безак санъатини ривожлантириш бўйича замонавий ёндашувлар Зилола Насирова, Камола Нишанова, Дилдора Умарова, Нигора Култашева, Дилзода Алимова, Нигора Ядгарова, Дилафрўз Курбонова, Малика Тўхтаева, Азиз Имомов, каби санъатшунослар томонидан талқин этилган.

Тасвирий санъатининг ривожланиш тарихига оид маълумотлар, тасвирий санъат тарихи бўйича маъруза машғулотларида етказиб берилади. Мазкур соҳани батафсил ёритиш учун Лазарь Ремпел, Галина Пугаченкова, Тилаб Махмудов, Марианелла Мюнс, Рафаил Тахташ, Дилора Фахреддинова, Акбар Ҳакимов, Нигора Аҳмедова, Элмира Гуль, Комола Болтабаева, Дилафруз Қодирова, Бинафша Нодир Зуфар Боситхонов, Неъмат Абдуллаев, Норсаид Ойдинов, сингари тадқиқотчилар ишидан фойдаланилади.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини санъатшунослик асосида касбий компетенциясини ривожлантиришда, санъатшунослик соҳасига доир билимларни ўзлаштирган ҳолда тайёргарлик кўришида, тасвирий санъат намуналари ва халқ-амалий безак санъати муҳим ўрин тутди.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг санъатшунослик соҳасига тайёргарлик кўриш жараёнига тажриба усулларини жорий этиш, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий-педагогик жиҳатдан тайёрлаш тизимида тасвирий намуналаридан фойдаланиш мавзусининг долзарблиги ва ижобий самарадорлигини кўрсатиб берди.

Тадқиқот натижаларига кўра, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг санъатшуносликка доир билимларни тасвирий санъат воситалари орқали ўзлаштириб, келгусида бадиий ва эстетик тарбия бериш учун педагогика олий таълим муассасалари соҳасига ўқитишнинг янги, замонавий технологияларини жорий этиш давр талаби эканлиги янада ойдинлашди [8].

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини ўқувчиларга бадиий-ижодий таълим ва эстетик тарбия беришга санъатшунослик соҳаси бўйича тайёрлаш қуйидаги ҳолатларни назарда тутди:

- тасвирий санъатини ривожланиш тарихи;
- таниқли бадиий ижод усталарининг ҳаёти ва ижоди;
- тарих, археология, архитектура ва тасвирий санъатнинг ўзаро боғлиқ жиҳатларини кўрсатувчи тушунчаларни шакллантириш;
- амалий-безак санъати тарихининг мазмуни;
- амалий-безак санъатининг ўзига хослиги;
- графика, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик санъати;
- тасвирий санъатининг ривожланишидаги замонавий йуналишлар;
- республикада санъатшунослик соҳасидаги билимларнинг ривожланиши.

Шунингдек, мутахассислик фанлари доирасидаги маъруза ва амалий машғулотларида тасвирий санъат намуналаридан фойдаланиш, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини санъатшунослик асосида касбий компетенциясини ривожлантиришда келгуси амалий фаолиятга ижтимоий, касбий, педагогик ва психологик жиҳатдан тайёрлашда илмий ишининг сифат кўрсаткичини оширишга хизмат қилади.

IQTIBOSLAR/CHOСКИ/REFERENCES

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи.ўқув қўлланма. 2004
2. Хақимов А. История искусства Узбекистана. Т., «Info Capital Group» 2
3. Makxkamova Saodat Baxtiyarovna. (2023). The Role and Significance of Composition in the Fine Arts in Forming the Professional Competence of Future Fine Arts Teachers. Journal of Pedagogical Inventions and Practices, 19, 147–153. Retrieved from <https://www.zienjournals.com/index.php/jpip/article/view/3826>
4. Abdirasilov S.F., Talipov N.X., Rangtasvir. Darslik –Т.: Innovatsiya-Ziyo, 2019, 118-bet.
5. R.R. Jabbarov. Patterns in applied art of the uzbek folk // European Journal of Arts, 2023, №1. – С.11–14. DOI: <https://doi.org/10.29013/EJA-23-1-11-14>
6. МАХКАМОВА, S. (2023). TASVIRIY SAN'AT ASARLARINI BADIY TAXLIL QILISHDA RASSOM KAMOLIDDIN BEXZOD IJODIDAN FOYDALANISH MASALALARI. Journal of Culture and Art, 1(8), 107–114. Retrieved from <https://imfaktor.com/index.php/jocaa/article/view/767>
7. Makxkamova Saodat Baxtiyarovna. (2023). The Role and Significance of Composition in the Fine Arts in Forming the Professional Competence of Future Fine Arts Teachers. Journal of Pedagogical Inventions and Practices, 19, 147–153. Retrieved from <https://www.zienjournals.com/index.php/jpip/article/view/3826>
8. Maxkamova Saodat Baxtiyarovna, 2022). PREPARATION OF FUTURE TEACHERS FOR ARTISTIC ANALYSIS OF LANDSCAPE WORK IN SCHOOL. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 3(03), 21–28. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-03-03-06>

ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-II, НОМЕР-2

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-II, ISSUE-2

«Маданият ва санъат» электрон журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz